

Qishloq hayoti

2019 йил Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили

O'zbekiston Respublikasi
ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan

2019-yil 5-mart, seshanba 19 (8986)-son

web sayt: www.qishloqhayoti.uz

Базальт арматураси:

МЕТАЛЛДАН ЕНГИЛ, МУСТАХКАМ ВА АРЗОН

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 30-31 январь кунлари Жиззах вилоятига ташири давомида Фориш туманидаги "Mega invest industrial" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонасига ҳам ташири буюриб, бу эриш чикарилайтган махсулотлар сифатини, ҳамини янада ошириб, махсулот таннархини камайтириш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берган эди.

Лойиҳа қиймати 51,8 миллион АҚШ долларига тенг мазкур корхона 2017 йилнинг декабрь ойида ишга туширилган эди. Россия, Туркия, Германия, Франция, Италия ва Австрия давлатларида ишлаб чикарилган замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхонада куришда кенг қўлланилаётган минерал то-лалар ва полимер елимлар асосида композит арматуралар ишлаб чикарилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)



Фориш- имкониятлари буйича энг бой туманлардан бири. Лекин ҳозир бошқа худудлардан бироз орқада. Бу ернинг қишлоқ хўжалиги, геология, қайта ишлаш соҳаларидаги имкониятларидан тўғри фойдаланилса, туман иқтисодиётини бир неча баробар юксалтириш мумкин.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 4 март куни Савдо-иқтисодий ҳамкорлик буйича Ўзбекистон – Жанубий Корея ҳукуматлараро қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН – ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ҲУКУМАТЛАРАРО ҚЎМИТАСИ МАЖЛИСИ

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи савдо, инвестиция, банк-молия, транспорт, энергетика, нефть-газ, машина-созлик, кимё, куриш, озиқ-овқат саноати, тўқимачилик, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, қишлоқ ва сув хўжалиги, фан-таълим, тиббиёт, туризм каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари Элёр Ғаниев, Корея Республикасининг савдо, саноат ва энергетика вазири Сунг Юн Мо ва бошқалар мамлакатларимиз муносабатлари кўплаб йўналишларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда қатор соҳаларда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш буйича ўрнатилган самарали ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидлади.

Ўзбекистон билан Корея Республикасини тарихий муносабатлар, ишонч руҳидаги дўстлик ва стратегик шериклик боғлаб туради.

Корея Республикаси Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизация қилиш ва таркибий ўзгартириш, электрон ҳукумат тизимини жорий этиш, энергетика, кимё, автомобилсозлик, инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган юқори технологик лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишда фаол иштирок этмоқда. Ўзбекистоннинг барқарор ривожланаётган иқтисодиёти, қулай жўрғофий жойлашуви, сармоя жалб этиш буйича ишончли стратегияси кўплаб давлатлар қатори Жанубий Корея ишбилармонларини ҳам қизиқтириб келмоқда. Ушбу давлатнинг Марказий Осиё билан ўзаро савдо айланмаси ҳамининг ярмидан ортиги Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келиши ҳам бунга мисолдир.

Мамлакатимизда ҳамкор давлатнинг 70 дан ортиқ компанияси ваколатхоналари бор. Иқтисодиёт тармоқларида Корея инвестицияси иштирокидаги 630 дан ортиқ корхона фаолият юритмоқда. 2018 йилда 150 дан ортиқ ана шундай корхона ташкил этилди. Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошlash ҳамми 2017 йилга нисбатан 57 фоиз кўп.

Ўзбекистон Президенти фармони билан Корея Республикаси фуқаролари учун виза тартибиде энгиллик берилди. Бу мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Мажлисида таъкидлангандек, мамлакатларимиз ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш учун барча имконият етарли. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил ноябрь ойида Корея Республикасига давлат ташири чоғида эришилган узоқ муддатли келишувларни тўла рўйга чиқариш Ўзбекистон – Жанубий Корея савдо ҳамини 5 миллиард долларга етказиш имконини беради.

Савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик кенгайиб бормоқда. Ўзбекистонда бизнес юритиш учун кенг шароит яратилгани, иқтисодиётни либераллаштириш, валюта сибсати, боғжона тўловларини қисқартириш буйича қонунчилик базаси такомиллаштирилгани инвестициявий ҳамкорликни мустаҳкамламоқда.

Тадбирда Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг мамлакатимизга таширига тайёргарлик масалалари муҳокама қилинди. Ўзаро ҳамкорликни янги мазмун билан бойитиш, ишбилармон доиралар мулоқотини рағбатлантириш, худудлараро делегациялар алмашинувларини кўплаб-қувватлаш лозимлиги қайд этилди.

Мажлисида икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида қабул қилинган шартномалар доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар ижросига алоҳида эътибор қаратилди. Уларни самарали рўйга чиқаришга қаратилган қўшма марказлар ташкил этиш кераклиги таъкидланди.

– Мамлакатларимиз йирик сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш буйича бой тажирибага эга, – дейди Корея Республикаси Энергия бошқаруви корпорацияси ижрочи директори Го Жэ Ёнг. – Корхонамиз Ўзбекистонда ГЭС-ларни модернизация қилиш, соҳага юқори технологик ишланмаларни жорий этиш буйича ҳамкорлик қилиш ниятида. Мулоқот доирасида ҳамкорлар билан ушбу йўналишдаги масалалар ҳақида фикрлашиб олди.

Анжуманда Ўзбекистонда юқори тезликда ҳаракатланиш имконини берадиган темир йўллар куриш, экологик тоза автомобиллар ишлаб чиқариш, туризм, ақли шаҳар инфратузилмаларини яратиш лойиҳалари, экспортбўл қишлоқ хўжалиги махсулотларини етиштириш ва бошқа масалалар муҳокама этилди.

Тадбир доирасида Корея Республикаси Савдони ривожлантириш агентлигининг Тошкент бизнесни кўплаб-қувватлаш маркази очилиши бўлиб ўтди. Ҳамкор мамлакатнинг Савдо, саноат ва энергетика вазири билан ташкил этилган тузилма дунёнинг Дубай, Сан Паулу, Москва, Йоханнесбург, Ханой каби шаҳарларида мавжуд. Марказнинг асосий вазифаси – мамлакатда инфратузилмани ривожлантириш, бизнесни кўллаб-қувватлаш ва иқтисодиётни тараққий эттиришдан иборат.

Улуғбек ШОНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

Аҳолига тиббий-санитария хизмати кўрсатиш сифати муҳокама қилинди

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесиде аҳолига кўрсатилаётган тиббий-санитария ёрдами сифати ва самарадорлигига бағишланган мажлис бўлиб ўтди.

Таъкидланганидек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери бошчилигидаги парламент куйи палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

мутасаддилари, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ Оролбўйида бўлиб, жойларда аҳолига тиббий-санитария ёрдами

кўрсатишнинг сифати ва самарадорлигини ошириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, уларнинг кадрлар таъминотини яхшилаш, санитария-эпи-

демиологик барқарорликни таъминлаш, аҳоли ўртасида соғлом туриш тарзини ва соғлом овқатланиш маданиятини тарғиб қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолатини чуқур ўрганди. Сурункали касалликларга чалинган 2000 нафардан зиёд фуқаро ва эҳтиёмжанд оилалар аъзолари тиббий кўриқдан ўтказилди.

(Давоми 2-саҳифада)

Бухоро вилояти

Жондордан жаҳон бозорига

Табий, сифатли ва арзон – бугун қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган махсулотларга жаҳон бозорига ана шундай талаб қўйилмоқда. Худди шу нисбатларга жавоб берадиган махсулот етиштириш эса аграр соҳа мутахассислари ва миришкорлари олдига турган вазифа саналади. Мақсад эса ягона: ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш, юқори ҳосилдорликка эришиш, аҳоли дастурхони ва бозорларимиз тўқинлигини таъминлаш ҳамда экспорт имкониятларини янада оширишдир.

■ Ҳамроз АЛИ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Айсберг, Хитой карами, Брокколи. Бу сабзавот экинлари айни кунгача ўзимизда етиштирилаётган қарамғулдошлар оиласига мансуб қишлоқ хўжалиги махсулотларидан деярли фарқ қилмайди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, юқоридаги экинлар ўз турдошларидан камхаржлиги, серҳосиллиги, харидорлиги билан ажралиб туради. Шу боис, Жондор туманидаги "Agrotradeservis" мева-сабзавотчилик кластери томонидан бутунлай янгича ёндашуш – воҳа шароитида халқаро андозаларга мос сабзавотлар ишлаб

чиқариш тизими йўлга қўйилди. Голландия технологиялари асосида экин экиш тажирибасини деҳқонларимиз учун ўзига хос янгилик, дейиш мумкин.

Эндиликда Жондор туманидаги мева-сабзавотчилик кластери тажирибасини бутун вилоят миқёсида ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Хўш, мазкур сабзавотларнинг афзалликлари нималардан иборат? Улар тарғиб қилишга арзийдими? Айсберг жаҳон бозорига парҳез-боплиги билан алоҳида ўринга эга. Жорий йилда мева-сабзавотчилик кластерининг 15 гектар майдонига ушбу махсулотдан юқори натижадорликка эришиш мақсад қилинган.

Ўзбек миллий спорт тури – Кураш 2022 йилги Осиё ўйинлари дастуридан расман ўрин олгани тасдиқланди, дея ҳабар берди Ўзбекистон кураш федерацияси матбуот хизмати.

Кураш 2022 йилги Осиё ўйинлари дастуридан РАСМАН ЎРИН ОЛДИ



Хабарда айтилишича, кураш буйича 2022 йил Хитойнинг Ханжоу шаҳрида ўтказилган Осиё ўйинларида мусобақалар ўтказилиши расман тасдиқланган.

Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида бўлиб ўтган Осиё Олимпия Кенгашининг сессиясида "Ханжоу – 2022" даги спорт турлари тасдиқланди. Унга кўра 40 та спорт тури буйича мусобақалар расман ўтказилади. 2018 йилда мусобақалардан чиқариб ташланган крикет ҳам 2022 йилги Осиё ўйинлари дастуридан ўрин эгаллади.

Ноолимпия спорт турлари орасида шахмат, жиужитсу, кабади, кураш, сепак такрав, роликда учиш ва ушу ҳам "Ханжоу – 2022" расмий дастурига киритилди.

Эслатиб ўтамиз, ўтган ҳафта Халқаро Кураш Ассоциацияси президенти Ҳайдар Фармон 2022 ва 2026 йилги Осиё ўйинларида кураш буйича беллашувлар жами 17 та вазн тоифасида ўтказилиши ҳақида айтиб ўтганди.

Таъкидлаш керак, Таиланд пойтахтида ўтган конгрессда Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси раиси Умид Аҳмаджонов Осиё Олимпия Кенгаши вице-президенти этиб сайланди.



Базальт арматураси:

(Боши 1-саҳифада)

– Қўшма корхонамиз асосан маҳаллий хомашё базальт тошидан замонавий, бозорғир маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган, – дейди корхона бош директори Ерқин Тилабов. – Утган йили 1000 тонна базальт арматураси ва турли ўлчамдаги сеткалар ишлаб чиқаришга эришдик. Корхонамизнинг учинчи навбати ишга туширилгандан кейин йилига 4 минг тонна базальт толаси, 4800 тонна композит арматура ишлаб чиқариш имконияти яратилди.

Қўшма корхонамиз ишга туширилиши 225 нафар қишлоқ аҳолисини доимий иш билан таъминлаш имконини берди. Заводнинг учинчи навбати ишга туширилса яна 460 нафар йилгит-қизнинг бандлиги таъминланади.

– Биз, қишлоқ ёшлари ҳам замонавий саноат корхонасида меҳнат қилиш имкониятига эга бўлдик, – дейди Жиззах политехника институтини битириб, корхонанинг бошқарув пултида оператор ёр-

дамчиси бўлиб ишлаётган Шаҳзод Шаропов. – Жамоамиз ишчилари, инженер-техник ходимларнинг аксариятини мен каби ёш мутахассислар ташкил этади. Унумли меҳнат қилишимиз, мароқли ҳордиқ чиқаришимиз учун барча қулайликлар яратилган.

Қўшма корхона айна пайтда мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари, Саудия Арабистони ва Афғонистон давлатлари билан икки томонлама манфаатли шартномалар асосида иш юритаяпти. Жорий йилда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосий қисмини экспорт қилиш кўзда тутилган. Йил охирига бориб корхонанинг учинчи навбати ишга туширилади. Айна пайтда

МЕТАЛЛДАН ЕНГИЛ, МУСТАҲКАМ ВА АРЗОН



Аҳолига тиббий-санитария хизмати кўрсатиш сифати муҳокама қилинди

(Боши 1-саҳифада)

Улардан 613 нафарига амбулатор, 379 нафарига туман тиббиёт бирлашмаларига, 194 нафарига Нукус ва 7 нафарига Тошкент шаҳарларидаги соғлиқни сақлаш муассасаларига йўланмалар берилди. Зарур деб топилган 33 нафар беморда юқори технология жарроҳлик амалиёти амалга оширилди.

Утган йили Инвестиция дастури доирасида 24 та объектда 55,4 миллиард сўмлик, “Обод қишлоқ” дастури бўйича 13 та тиббиёт муассасасида 4,1 миллиард сўмлик, маҳаллий бюджет ҳисобидан манзилли рўйхат асосида 17 та тиббиёт муассасасида 4,6 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. 250 ўринга мўлжалланган аёллар “Мурувват уйи”нинг янги биноси фойдаланишга топширилди. Хирургия маркази ўрнида 20 ўриндан иборат академик В.Воҳидов номидаги ихтисослаштирилган республика илмий-амалий тиббиёт марказининг Нукус филиали, шунингдек, республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қорақалпоғистон филиалида 20 ўринли паллиатив бўлими ишга туширилди.

Маҳаллий бюджет ҳисобидан 223 миллион сўмлик “OPMI I FF PRO” операцион микроскопи келтирилиши ҳисобига 2121 жарроҳлик амалиёти бажарилди ва мутахассислар томонидан узоқ туманлардаги 1346 нафардан ортиқ бемор тиббий кўриқдан ўтказилди. В.Воҳидов номидаги ихтисослаштирилган республика илмий-амалий тиббиёт маркази Нукус филиалида оғир юрак касаллиги билан оғриган 227 нафар беморда жарроҳлик амалиёти ўтказилди.

Бугунги кунда Оролбўйи аҳолисининг юрак, қон-томир касалликларини соғломлаштириш марказига 9,5 миллиард сўм, В.Воҳидов номидаги ихтисослаштирилган республика илмий-амалий тиббиёт марказининг Нукус филиалига инвестиция дастури асосида 2,7 миллиард сўм маблағ ажратилиб, реконструкция ишлари олиб борилмоқда.

Офтальмология, нейрохирургия, кардиохирургия йўналишлари бўйича замонавий технологияларнинг амалиётга татбиқ қилиниши натижасида, мамлакатимиз пойтахтига борадиган беморлар сони ўтган йилларга нисбатан кескин камайди.

Тадбирда соҳадаги мана шундай ютуқлар билан бир қаторда мавжуд камчиликлар ҳам қайд этилди. Аҳолига кўрсатилаётган тиббий-санитария ёрдамнинг сифати ва самарадорлигини ошириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, уларнинг кадрлар таъминотини яхшилаш, санитария-эпидемиологик барқарорлиқни таъминлаш ҳамда хусусий секторни ривожлантириш чора-тадбирлари дастури атрафлича муҳокама қилиниб, тегишли қарор қабул қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Н.Исмоилов иштирок этди.

Давуд АБИУЛЛАЕВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Навоий вилояти

2018 йилда вилоятда 5 та хусусий ва 7 та давлат-хусусий шерикчилик асосидаги нодавлат мактабгача таълим муассасаси фаолияти йўлга қўйилди.

бошлиғи Ўткир Тиллаев. – Мазкур муассасаларнинг фаолият бошлаши муносабати билан болаларни қамраб олиш даражаси жорий йил охирига қадар 63,7 фоизгача оширилади.

Мактабгача таълим муассасаларини малакали кадрлар билан

МТМларга малакали кадрлар жалб этилади

Айна пайтда эса улар сони 180 дан зиёди ташкил этади. Худуддаги мактабгача таълим муассасаларининг 150 дан ортиги давлат, 14 нафари мактабгача таълим муассасаларига қамраб олинган.

Хозирда вилоятда мактаб ёшидаги болалар 70 минг 118 нафарни ташкил этиб, уларнинг 30 минг 343 нафари мактабгача таълим муассасаларига қамраб олинган.

Давлат тасарруфидидаги МТМларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларда куз-қиш мавсумини барқарор ўтказиш мақсадида маҳаллий бюджетдан 24 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилиб, му-

ассасаларнинг иссиқлик тизимлари ва қозонхоналари янгиланди. Юзга яқин МТМларга эса зарур жиҳозлар, болажонлар учун замонавий аттракционлар ўрнатилди.

– Жорий йилда вилоятимизда инвестиция дастурига асосан 17 та, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” давлат дастурлари доирасида 28 та, шунингдек, 294 та 18 минг 100 ўринли давлат ва давлат-хусусий шерикчилик асосидаги нодавлат мактабгача таълим муассасаларини янгидан қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш ва таъмирлашга қаратилган ишларни изчиллик билан олиб бормоқдамиз, – дейди вилоят мактабгача таълим бошқармаси

таъминлаш келажакимиз эгаларининг ҳар томонлама соғлом ва билимли бўлишида муҳим ўрин тутди. Айна масала ҳам соҳа мутасаддилари эътиборидан четда қолгани йўқ.

– Жорий йил якунига қадар олий маълумотли номувахассис педагог кадрларни тегишли тартибда мактабгача таълим йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва олий таълим муассасаларини шу йўналиш бўйича битирадиган мутахассисларни соҳага жалб этиш натижасида тизимдаги олий маълумотли педагоглар улушини янада ошириш режалаштирилган, – дейди Ўткир Тиллаев.

Ўз мухбиримиз.

Хоразм вилояти

ШАНҒИНИНГ ҲАМ ДОНҒИ ЧИҚАРИМКАН?

Гурлан туманидаги Шанғи қишлоғи Нурли йўл ва Пахтакор маҳаллаларидан иборат. Туман марказига 10 километр узоқликда жойлашган бу қишлоққа яқин орада умуман эътибор қаратилмагани шундоққина кўриниб турибди. Йўллар ўйдим-чуқур. Тоза ичимлик суви йўқ. Газни-ку айтмай қўяверинг.

■ Болтабой МАТҚУРБОНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари билан суҳбатлашиш учун қишлоқдаги ягона таълим даргоҳи – 30-мактабга бордим. Боиси, ҳар иккала маҳалла фуқаролар йиғини ҳам мактабнинг эски биносидан жойлашган экан. Очиги, бу ерни маҳалланинг биноси, дейишга тилинг бормайди. Биргина хона илик, бошқа хоналар совуқ.

– Нимаям қилардик, хона бўлмагач, шугина жойда бир амаллаб ишляймиз, – дейди “Пахтакор” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Комилжон Солаев.

Қишлоқнинг Нурли йўл ва Пахтакор маҳаллаларида 5 минг

281 нафар аҳоли истиқомат қилар экан. Икки маҳаллада биргина мактабу боғчадан бошқа ижтимоий объект йўқ. Худудда жойлашган умумтаълим мактабида 1000 нафардан ошқ ўқувчи таълим-тарбия олмақда. Мактабнинг ҳам аҳоли ачинарли. Синф хоналари кўмида иситилади, аммо кўмининг сифати жуда паст.

– Маҳалламиз аҳолисининг ярмидан кўпига атиги 500 килограмдан ҳам кўмир тегмади, – дейди Нурли йўл маҳалласи оқсоқоли Уролбой Гулимов. – Бу, албатта, оз. Берилган кўмир ҳам ўта сифатсиз. Ички йўллар, кўприклар таъмири бўйича мутасадди ташкилотларга уч-тўрт мартаба мурожаат қилдик. Бироқ



Ахир, юртимизда тадбиркорлик учун эшиклар кенг очилган. Сектор раҳбарлари уларни тадбиркорликка йўналтирсалар, банкдан имтиёзли кредитлар олишига кўмаклашсалар аҳолининг даромадлари ошармиди?

Икки маҳаллага биргина мактабгача таълим муассасаси хизмат кўрсатади. Боғча 2018 йилда таъмирдан чиқарилган. Афсуски, таъмирлашнинг сифатига

умуман эътибор беришмаган. Унинг томи шифер қилиниши керак эди. Аммо қилинмаган, масъуллар ишни негадир чала қилиб кетган.

Хулоса қилиб айтганда, аҳоли кишини жиддий ўйга толдиради. Бу ҳақда мутасаддилар ҳам ўйлаб кўради? Зотан, бу қишлоқ аҳли ҳам юртимизнинг кўплаб обод қишлоқларидаги каби яшашни хоҳлайди.



Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон ҳамда Тожикистон Республикалари давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, икки мамлакатнинг чегарадош туманлари аҳолиси, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Узун тумани ҳокими Я.Хидиров, қўшни давлатнинг Хатлон тумани ҳокими Ш.Жумазода ва бошқалар кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасида азалий дўстлик алоқалари янги босқичга кўтарилгани барча соҳалардаги ўзаро муносабатларда юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади.

– Массивимиз Тожикистоннинг Ҳисор, Рудаки туманлари билан чегарадош, – дейди Узун тумани Топтўғай маҳалласида яшовчи Н.Маматов. – Табиийки, у ерда ҳам азалдан қавм-қариндошларимиз яшаб келган. Қўда-анда бўлиб кетганмиз. Назорат пунктининг ишга туширилгани борди-келди муносабатларини жуда осонлаштирди.



Айна пайтда Сурхондарё вилоятида мамлакатимизни Тожикистон Республикаси билан боғлайдиган учта назорат пункти фаолият юритиб, қўшни давлат фуқароларининг Сурхон воҳасида, сурхондарёликларнинг эса Тожикистонда яқинлари билан эмин-эркин борди-келди қилишига хизмат қилмоқда. Муқаддас қадамжоларни зиёрат қилишга, бизнес ҳамкорлиқни йўлга қўйишга қулай муҳит яратилаётди.

– Узун тумани Топтўғай маҳалласида қариндошларимиз яшайди, – дейди Тожикистон Республикаси Хатлон вилояти Гулистон қишлоғида яшовчи Х.Тоғайназаров. – Аждодларимиз бир дарёдан сув ичиб, тўй-маъракаларимиз бирга ўтган. Орада қариндошларнинг борди-келди қилишида бир қатор муаммолар бўлганини айтиш жоиз. Бугун ҳаммаси бошқача. Янги назорат пункти ишга туширилгани узоғимизни яқин, мушкулумизни осон қилганидан хурсандимиз.

Маросимда тожикистонлик меҳмонларга нон, сумалак ва бошқа ширинликлар улашилди. Дастурхон ёзилиб, ош тортилди. Санъаткорларнинг тинчлик, дўстлик, меҳр-оқибатни тараннум этувчи куй-қўшиқлари барчага байрамога кайфият улашди.

Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,

ЎЗА мухбири.

Жонибек ҚЎЗИМУРОДОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Наманган янги режалар оғушида

Мамлакатимиз Президентининг Наманган вилоятига ташрифи чоғида бу ҳудуднинг улкан муваффақиятлар учун имкониятлари мавжудлиги эътироф этилди.

Яқинда матбуотда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг деҳқонлар ва томорқа ер эгаларига Мурожаати эълон қилинди. Тўрақўрғонда вилоятнинг барча туманларидан келган фермер, деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгалари, соҳага тааллуқли ташкилот раҳбарлари, мутахассислар иштирокида ўтказилган семинарда мазкур воқеликларга муносабат руҳи сезилиб турди. Унда қатнашчилар давтаввал махсус тайёрланган кўргазма билан танишди ва сўнгги инновацион янгилеклардан бохабар бўлишди. 2018 йилда "Илғор фермер", "Меҳнаткаш деҳқон", "Намунали томорқачи" кўкрак нишонлари билан тақдирланган соҳа илгори билан таъриблари билан ўртоқлашди. Самимий руҳда кечган мулоқот азалдан меҳнаткаш, лафзи ҳалол наманганликларни янги ташаббусларга ундади.

Азизбек АБДУСАЛОМОВ, вилоят фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси:

– Бугун қишлоқ хўжалиги соҳасида катта ўзгаришларнинг гувоҳи бўляпмиз. Бу борада амалга оширилаётган туб ислохотлар ютуқларимизга асос бўляпти. Айниқса, Президентимизнинг олтинга тенг томорқа ерларидан янада самарали фойдаланиш борасида берган топшириқ ва тавсиялари деҳқончиликда катта таърибага эга наманганликларнинг қалбида шижоат ва ташаббускорлик ҳиссини жўштириб юборди. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, айни пайтда вилоятимизда 437 минг деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгалари бўлиб, улар қарийб 20 минг гектар ерда меҳнат қилмоқда. Ўрганиш ва таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, барча ҳудудларда ҳам ердан самарали фойдаланиляпти, деб бўлмайди. Айрим хонадон эгалари томорқасида йил мобайнида атиги бир марта ҳосил етиштириш билан чеklangнаётди. Баъзилар эса ерни бутунлай ўз ҳолига ташлаб қўйган. Шу боис ҳам наманганликлар юқоридидаги Мурожаатни ўз вақтида айтилган, мам-

лакатимиз аҳолисини янгича кайфият, янги режалар билан ишни ташкил этишча чорловчи даъват ўрнида қабул қилиб, мавжуд томорқалардан унумли фойдаланиш борасида тезкор чора-тадбирларни белгилади ва астойдил ишга киришилди. Жорий йил февраль ойининг ўзида 10 гектар ерда янги иссиқхоналар фаолияти йўлга қўйилди. Шу кунгача қатор туманлардаги деҳқон хўжалиги ва томорқаларга қарашли майдонларга экспортбоп мева қўчатлари, сабзавотлар экиб бўлинди. Мақсадимиз, 25 февралдан эълон қилинган мамлакатимизда деҳқончилик бўйича долзарб ойлқида фаол иштирок этиб, ердан йил мобайнида камида уч марта ҳосил олиш, бу борада аҳолининг даромадини ўтган йилга нисбатан 2-3 баробар оширишдир.

Иброҳим СУЛТОНМУРОДОВ, Чуст туманидаги кўп тармоқли "Олмос якка толи" фермер хўжалиги раҳбари:

– Биз, фермерларга яратиб берилётган шароитлар боис, иқтисоди бақувват хўжаликка айландик. Жорий йил галладан камида 80, пахтадан 50

центнердан ошириб ҳосил олишга аҳд қилганмиз. Хўжалигимизда 40 гектар интенсив боғ бор. 805 бош қорамол, қўй, от ва паррандалар парвариши йўлга қўйилган. Фермер хўжаликлари ва аҳолига техника хизмати, савдо, маиший хизмат кўрсатувчи мажмуа ҳам барпо этганмиз. Бунинг натижасида, юздан ортиқ иш ўрни яратилган. Хуллас, бугун халқимизнинг турмуш фаровонлиги йўлида савобли ишлар қилишдек имкониятларга эгамиз.

Биз ҳам Мурожаатдан руҳланиб, хўжалигимизнинг 43 нафар аъзоси ва "Тоймас-2" маҳалласидаги кўмакка муҳтож оилаларнинг 10 тасининг томорқасини шудгорлаб бердик. 50 хонадон мева қўчатлари ва уруғлар билан таъминланди, 15 та хонадонга ўнтадан парранда берилди. Томорқалардаги экинларга йил мобайнида агротехник ишлов бериш, ҳашарот ва зараркундаларга қарши курашиш борасида амалий ёрдам кўрсатиш, аҳолига бир йилда уч марта ҳосил олиш сирларини ўргатиш, турмуш фаровонлигининг ошишига ҳисса қўшиш ташаббуси билан чиқдик. Буни вилоятимизда барқарор фаолият юритаётган фермер

хўжаликлари тўла қўллаб-қуватлашди. Ўйлайманки, мамлакатимиз иқтисодининг юксалишида муҳим аҳамият касб этувчи бу ташаббусга республикамизнинг бошқа ҳудудларидаги фермерлар ҳам қўшилиди.

Зумрадхон РАЖАББЕКОВА, Норин туманидаги "Юқори Чўжа" маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби:

– Маҳалламизда 392 та хонадон бор. Бугунги кунда мавжуд 20 та иссиқхонада лимон, помидор, бодринг, саримсоқпиз, булғор қалампир, қўчатлар, сабзавотлар, мева ва гул қўчатлари етиштириляпти. Ҳовлиларда қорамол, қўй, парранда, асалари, балиқ парвариши йўлга қўйилган. Маҳалламизда эртаки редиска ва картошка етиштириш борасида катта таъриба тўпланган. Ўн йилдан ошдики, биргина Учтепа қишлоғидан катта миқдордаги редиска бозорларга етказиб берилади. Қолавеса, Россия, Қозғистон, Қирғизистон давлатларига экспорт қилинади. Биз томорқадан унумли фойдаланиш борасида амалга оширилаётган ишлардан жуда мамнунмиз. Айниқса, "Илғор фермер", "Меҳнаткаш деҳқон", "Намунали томорқачи" каби кўкрак нишонларнинг таъсис этилгани, "Томорқа хизмати" МЧЖ хизматининг йўлга қўйилгани айни муддао бўлди.

Сирасини айтганда, вилоятимизда катта даромад келтирадиган томорқалардан унумли фойдаланиш бобида барча имкониятлар ишга солинмоқда. Эришилаётган натижаларда ишчи гуруҳлари, фермерлар, катта ҳаётий таърибаларга эга нуронийлар ва фидойий ёшларнинг ҳиссаси катта бўляпти.

Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ суҳбатлашди.

Қашқадарё ВИЛОЯТИ

Кўкдам келиб, дала-дашда миришкор деҳқонлар учун қизғин меҳнат жараёнлари бошланди. Ўзининг эртапишар ва лалми тарвузлари билан машҳур чироқчиликлар ерга илк барака уруғларини қададилар. Воҳанинг катта қисмида бўлгани каби, Қўқдала ҳудудида ҳам оқар сувлар кам, ястаниб ётган бепоян кенгликлар, унумдор тупроқ эса нақд хазинанинг ўзи. Ана шу унумдор тупроқдан самарали фойдаланиш, таъбир жоиз бўлса, ернинг "тили"ни топа билиш керак.

КЎҚДАЛАДА КЎКЛАМ

унинг лалми тарвузлари янада баракали бўлишига катта умид бор

■ Муҳаббат ЭЛИБОЕВА, "Qishloq hayoti" мухбири.



Чироқчи вилоятнинг энг катта ҳудудга эга тумани ҳисобланади. Ана шу майдонлардан унумли фойдаланиш, туманининг ер тузилиши, иқлим шароитига мос деҳқончилик ишларини янада такомиллаштириш мақсадида, эртапишар, лалми, экспортбоп полиз экинлари етиштириш бўйича вилоят ҳокимининг тегишли қарори қабул қилинган бўлиб, бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Соҳа вакилларининг олимлар билан биргаликда ишлаб чиққан услубий қўлланмалари асосида парваришланаётган мева-сабзавот, полиз экинлари мулқоқ минерал ўғитларсиз етиштирилмоқда. Экологик тоза бундай маҳсулотлар эса соғлиқ учун кони фойдалар.

Навоий ВИЛОЯТИ

Сирдарё ВИЛОЯТИ

Ерни нега эгаллаб ўтирибсиз?

Ердан ризқини ундирган киши кам бўлмайди. Томорқасида экин экиб, ўзидан ортганини бозорга чиқарган одамнинг рўзғоридан барака бўлади. Ернинг умрини беҳуда ўтказиб, бозордан картошка, сабзи ёки пиёз сотиб олиш эса уят.

■ Бозорбой БЕКМУРОДОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Афсуски, бундайлар сероб. Сайхунбод туманидаги Ўзбекистон маҳалласида яшовчи Лутфулла Ҳозиевга қарашли 35 сотих томорқанинг ярмига ҳужажнинг беда экиб қўйилган. Шавкат Фозиловага тегишли томорқа эса ҳатто кузда шудгор ҳам қилинмаган. Яна бир томорқа эгаси Уктам Қўшиев эса икки-уч йилдан бери томорқасига тайинли экин экмийди. – Томорқамиз пастликда жойлашганлиги сабабли ернинг захини қочира олмаяпмиз, – дейди у. – Тўрт-беш машина саз тупроқ тўкиб, текислатишга эса маблаг йўқ. Беш-олти сотихлик томорқани тупроқ тўкиб, элақага келтириш нахотки шунчалик мушкул иш бўлса? Дангасалик қилмаган одам аравада бўлса ҳам тупроқ ташиб, маҳаллий ўғит билан бойитиб ернинг унумдорлигини оширади. Ушбу маҳаллалик Анвар Ҳозиевнинг томорқаси ҳам ҳалигача шудгор қилинмаган. Унинг ёнидаги четан билан ўралган, ярни чакалакзорга айланган қарийб 50 сотих томорқанинг ҳам умри беҳуда ўтмоқда. Ушбу маҳалла аҳлининг томорқадан нечоғлик фойдаланаётганини ўрганиб, очиги кўнглимиз ранжиди. Кўллаб хонадонлардаги томорқалар хас-хашак босиб, чўлга ўхшаб ётибди.

Томорқадан келса бойлик...

Хатирчи туманидаги Боғишамол маҳалласида ишнинг кўзини биладиган миришкор деҳқонлар талайгина. Улардан бири Фарҳод Аслонов томорқасида 4 сотих майдонда мўъжазгина иссиқхона ташкил қилди. Мана, 3 йилдирки бир йилда 4 мартагача ҳосил олмоқда. Иссиқхонада қиш фаслининг дастлабки кунлари экилган картошка ҳосили эрта-индин бозорга чиқарилади.

■ Отабек АСЛОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Кармана туманидаги "Уйрот" маҳалласи ахли ҳам ўз томорқасида нафақат деҳқончилик, балки қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ҳам кенг йўлга қўйган. Жумладан, Обид Кенжаев томорқасининг бир қисмида интенсив усулда балиқ боқишни йўлга қўйган. Маҳалла ахли Элмурод Кенжаевни ҳақиқий деҳқон сифатида ҳурмат қилади. Дарҳақиқат, Элмурод ака деҳқончиликда, томорқадан самарали фойдаланишда катта таърибага эга. Томорқасидаги иссиқхонада гул, помидор, бодринг қўчатлари ва цитрус мевалар кўзингизни кувнатади. У ўтган йилги мана шу томорқадан 50 миллион сўм даромад қилди.

– 18 сотих томорқамиз бор, унинг 6 сотихида иссиқхона ташкил этганмиз, – дейди Элмурод Кенжаев. – Томорқадан олаётган даромадимиз фаровон ҳаётимизни таъминламоқда. Ернинг ортидан уй қилдик, тўй қилдик, элдан кам бўлмадик. Фарзандларим ҳам томорқага меҳр бериб улғаймоқда.

Туманининг Жалойир қишлоғи вилоятда миришкор деҳқонлар юрти сифатида ном таратган. Қишлоқнинг Арабхона маҳалласида яшовчи Мақсуд Нуримов мана, етти йилдирки, ўз томорқасида иссиқхона ташкил этиб, яхшигина даромад олиб келяпти. Иссиқхонада етиштириляётган помидор, бодринг маҳсулотлари ички бозор тўқинчилиги таъминляпти. Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чироқчилик, нақлининг магазини қаққан, "Сендан ҳа-

рат, мендан баракат", нақлига амал қилган хонадон соҳибу соҳибалари меҳнати орқасидан фаровон турмуш кечирмоқда.

– Ерга меҳр берилса, у оила ризқини бутун қилади. Асосий вақтимни иссиқхонада, томорқадан ўтказаман. Бу менга завқ бағишлади, ҳам оиламга яхшигина даромад олиб келади, – дейди Мақсуд Нуримов.

Қизилтепа туманидаги "Кулолон" маҳалласида яшовчи Фарҳод Раҳимовни эса намунали томорқа эгаси сифатида барча танийди. Сабаби у ўтган йили "Энг намунали томорқа эгаси" республика кўриқ-танловига муваффақиятли иштирок этиб, фахрли ўрин соҳиби бўлган. Ушбу файзли хонадонга кирар эканмиз, 12 сотих томорқа бўш жой йўқлигига гувоҳ бўлдик. Томорқадан иккита иссиқхона ташкил этилган бўлиб, иккаласида ҳам лимон қўчатлари парваришланмоқда. Сурхондарё вилоятининг Денов туманидан олиб келинган 60 туп қўчат 4 сотихлик иссиқхонада баравж ўсмоқда.

– Маҳаллий "Мир" навини танлаганимиз яхши бўлибди, чунки ҳар йили кутганимиздан ҳам кўпроқ ҳосил бермоқда, – дейди ишбилармон томорқа эгаси.

ЎБирни кўриб фикр қил...

Қува туманининг Терактаги қишлоғида истиқомат қилувчи Баҳодиржон Шерматов хонадонига бораверишда чуқур зовур қирғоғига экилган бир текис, бўйлари ҳам бир хил арчаларни кўриб ҳайратда қолдик. Унинг хонадонидидаги манзара ҳайратимизни янада оширди. 14 сотих ерга экилган анвойи гул қўчатлари, ноёб манзарали дарахт ниҳоллари, елим чойшабар билан ўралган арчалар, яна биз отини билмайдиган энг нуфузли курортларда бўладиган гўзал ўсимликлар бунга сабаб бўлди.

■ Ҳамиджон БУРҲОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

– Шу ердан бир йилда ўртача 100 миллион сўм даромад оламиз, – дейди Баҳодиржон Шерматов.

Хонадон соҳибининг айтган бу гапига ишониб қийин, бироқ шу ерда ҳозир бўлган маҳалла оқсоқоли ҳам унинг гапини тасдиқлади.

– Ишонаверинг, Баҳодиржон ўртачасини айтиди, аслида баъзи йиллари бундан ҳам кўп даромад олади, – деди қаҳрамонимиз истиқомат қилаётган "Қорақум" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳамиджон

14 сотих ердан 100 МИЛЛИОН сўм даромад

Турғунов. – Ўғиллари ҳам ўзи сингари тадбиркор, меҳнатдан бахтини топаётганлардан. Уларнинг томорқаларида мевали дарахт ниҳоллари ҳам етиштирилади. Ўзимизнинг вилоятимиздан ташқари, Андижон, Наманган вилоятларидан ҳам боғбонлар келиб, олиб кетишати. Қўшни давлатларга

ҳам экспорт қилляпти. Баҳодиржон Шерматовнинг ўғллари Охунжон ва Жамшидларнинг хонадонидидаги манзара ҳам отасиникидан қолишмас экан. – Узим Фаргона политехника институтини битирганман, – дейди Баҳодиржон Шерматов. – Бир неча йил ширкат хўжалигида

устахона мудури бўлиб ишладим. Хонадон тадбиркорлиги сербарака, сердаромад эканини қишлоқдошларимиз яхши биларди. Ҳеч нарсадан камимиз йўқ. – Томорқачилик орқасидан ҳаётимиз фаровонлашиб боряпти, – дейди хонадон соҳибаси Гуёхон. – Қизларимиз Гўзалхон ва Гулнозахонлар тушган хона-

донларда ҳам томорқадан яхши даромад қилишади. Тўйларимиз, янги иморатларимиз, олаётган уй жиҳозларимиз, машиналаримиз, невараларимизнинг ўқиши, ҳаммаси томорқадан олаётган даромадлар звазияти, – дейди хонадон соҳибаси Гуёхон. – Қизларимиз Гўзалхон ва Гулнозахонлар тушган хона-

Фаргона ВИЛОЯТИ



Осиё чемпионлар лигаси - 2019

"Локомотив"
Ғалаба билан бошлади

Тошкентнинг "Локомотив" жамоаси кеча "Осиё чемпионлар лигаси - 2019" гуруҳ босқичидаги дастлабки ўйинини ўтказди.

Тошкентда Бирлашган Араб Амирикларнинг "Ал-Ваҳда" жамоасини қабул қилган "Темирйўлчилар" 2:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

Учрашунинг 5-дақиқасидаёқ "Локомотив" ҳужумчиси Тимурхўжа Абдухолиқов стандарт вазиятдан сўнг тўпни дарвозага боши билан аниқ йўллаб, жамоасини ҳисобда олдинга олиб чиқди. 1:0. Ушбу гол "ОЧЛ - 2019" гуруҳ босқичидаги биринчи гол бўлди.

Шундан сўнг биринчи бўлим охирига ҳар иккала жамоа аъзоларида яна бир нечта қулай имкониятлар бўлди. Бироқ танаффусга қадар ҳисоб ўзгармади.

Иккинчи бўлимнинг дастлабки дақиқаларида бироз устунлик меҳмонлар томонда бўлди. Бўлим ўрталарида мезонлар яна ташаббусни қўлига олди. Ниҳоят ҳакам томонидан учрашунинг иккинчи бўлимига қўшиб берилган дақиқалар тугаб бораётган бир пайтда



Ислом Тўхтаўжаев учрашувга чиroyли яқун ясаб берди. У амалга оширган жарима зарбаси тўғри рақиб дарвозаси тўридан жой олди. 2:0.

Сухроб ЗИЁДУЛЛАЕВ

Айни кунларда футбол бўйича Ўзбекистон аёллар олимпия терма жамоаси Туркияда давом этаётган "Turkish Women's Cup 2019" мусобақасида иштирок этмоқда.

Олимпиячи қизларимиз

учинчи ўрин учун баҳс олиб боради

Турнирда Баҳром Норсафаров бош мураббийлигида иштирок этаётган терма жамоамиз "А" гуруҳида Хиндистон, Руминия ва Туркманистон терма жамоаларига қарши баҳс олиб борди. Қизларимиз дастлабки турда Хиндистон терма жамоасига қарши майдонга тушиб, рақибларини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Иккинчи ўйинда руминиялик дугоналаридан худди шу ҳисобда мағлуб бўлди. Учтинчи турда эса Туркманистон терма жамоасига қарши майдонда саф тортган қизларимиз йирик - 11:1 ҳисобида ғалаба қозонди, олти очко жамғарган ҳолда гуруҳда иккинчи ўринни қўлга киритди.

Энди терма жамоамиз навбатдаги ўйини 6 март кунини "В" гуруҳидаги ўриндошлари Шимолий Ирландия терма жамоасига қар-



ши ўтказди. Ушбу ўйини қолиби мусобақада учинчи ўринни қўлга киритади.

Мусобақа қолиблиги учун эртага "А" ва "В" гуруҳда биринчи ўринни эгаллаган Руминия ҳамда Франция терма жамоалари баҳс олиб боради.

Навбатдаги ўйинда ҳам олимпиячи қизларимизга ғалаба ёр бўлишини тилаб қоламиз.

ТЕХНИК
НОСОЗЛИК

автомобилда ёнгин келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин

Машинанинг техник носозлиги туфайли ёнгин билан боғлиқ кўнгилсизликлар рўй бериши мумкин. Негатив, машинани ҳаракатлантирадиган нарса бу, унинг ёқилгиси. Ёқилги эса салгина лоқайдлик ва эътиборсизлик қилинса, дарҳол ёниб кетиши, саросимага тушган ҳайдовчи машинани кулга айлантириши мумкин.

Шунинг учун ёнгин офати катта-кичик йўлларда ҳайдаб кетаётган машиналаримизга ўз хавф-хатарини қаратмаслиги учун эътиборли бўлишимиз ва ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишимиз ҳамда, албатта, машинамизда ўт ўчиргич олиб юришимиз зарур. Буни унутманг!

Бекзод ЯКУБОВ,
Шайхонтоҳур тумани
ЕХБ инспектори, катта
сержант.

Эълонлар

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

"Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ
такрорий аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдоларига ТИФ Миллий банки қошидаги "НБУ Бунёдкор Инвест" МЧЖнинг 2019 йил 1 мартдаги 319-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги мулклар чиқарилган:

1. Андижон вилояти Олтинқул туманидаги "Оқтепа деҳқон бозори" 1 қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотураргоҳ, Умумий майдони 7000,0 кв.метр, қурилиш майдони 6913,0 кв.метр, 5 та литердан иборат. **Бошланғич баҳоси - 2 242 071 000 сўм,**

2. Жиззах вилояти Арнасой туманидаги "Арнасой деҳқон бозори" 1 қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотураргоҳ, Умумий майдони 5600,0 кв.метр, қурилиш майдони 995,9 кв.метр, 3 та литердан иборат. **Бошланғич баҳоси - 416 940 000 сўм,**

3. Фарғона вилояти Қувасой шаҳридаги "Қувасой деҳқон бозори" 1 қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотураргоҳ, Умумий майдони 4870,0 кв.метр, қурилиш майдони 700,9 кв.метр, 5 та литердан иборат. **Бошланғич баҳоси - 1 270 537 000 сўм,**

4. Тошкент вилояти Бекобод туманидаги "Зафар деҳқон бозори" 1 қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотураргоҳ, Умумий майдони 5600,0 кв.метр, қурилиш майдони 899,3 кв.метр, 4 та литердан иборат. **Бошланғич баҳоси - 1 827 170 000 сўм,**

5. Сирдарё вилояти Ховос туманидаги "Ховос деҳқон бозори" 1 қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотураргоҳ, Умумий майдони 5600,0 кв.метр, қурилиш майдони 892,0 кв.метр, 9 та литердан иборат. **Бошланғич баҳоси - 1 962 303 000 сўм,**

Аукцион савдоси 2019 йил 18 март кунини соат 11:00 да Тошкент шаҳри Олмазор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушди). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш кунини олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Юқоридаги мулк 2019 йил 18 март



кунини сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари 2019 йил 25 март ва 1 апрель кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш кунини олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиш учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

- jismoniy шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда унга расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо қолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 5 банк иш кунини ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулкнинг 1 фонидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг ХАТБ "DAVR BANK" Олмазор филиалидаги х/р:22604000204920609001, МФО: 01121, СТИР: 207122519 га савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри Олмазор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй. Тел: (0371) 228-80-27, 228-80-26. www.1kms.uz. Электрон почта: kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru.

Лицензия RR-0001.

Реклама

AMKODOR

САЛЕО

AMKODOR - СЕМАШ

«AMKODOR-TASHKENT» МЧЖ ХК

«AMKODOR», «САЛЕО», «AMKODOR-СЕМАШ» холдингларининг Ўзбекистон Республикасидаги расмий дистрибутори

олд томонга йўналтирилган ва универсал юклагичлар

МТЗ базасидаги юклагичли экскаваторлар

занжирли ва гилдиракли экскаваторлар

санчкили юклагичлар

Европа сифатидаги техника ва жиҳозлар
Ўзбекистонда

ғаллани тозалаш ва сақлаш учун мажмуалар

гидравлика



Махсулотлар сертификатланган.

Моб.: 90-974-00-61, 90-974-00-82. Тел.: 71-283-42-17.

Ўзбекистон Республикаси 100005 Тошкент шаҳри 8 март кўчаси 57-уй. E-mail: sales@amkodor.uz, www.amkodor.uz, www.amkodor.by

PLANETA
SERVIS

ТРАКТОРВОР.UZ

«МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ»
КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ



(+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125
Махсулотлар сертификатланган.

Тўловлар нақд пул ва пул ўтказиш
йўли билан амалга оширилади.
Хизматлар лицензияланган.








**ПАХТА
LIZING**

Манзил: Тошкент шаҳри Чилонзор тумани
Кичик ҳалқа йўли кўчаси 52-уй.
Телефон: (+998 71) 150-10-56; +998 71 150-02-16;
(+998 95) 177-10-56; +998 95 177-02-16.
e-mail: info@paxtalizing.uz www.paxtalizing.uz

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИ УЧУН
ТЕХНИКАЛАР, ШИНАЛАР, ЭҶТИЁТ ҚИСМЛАР







Махсулотлар сертификатланган.

Хизматлар лицензияланган.

Тошкент ш. Янқабод т. С. Маъраҳий кў. 210 манзили бўйича 618219 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "ANGAR STROY" МЧЖ (СТИР 30561987) ягона муассосаси 2019 й. 25 февралдаги 2-қарори билан тугатилди. Даволат учун тел.: (+99893) 375-14-02.

Чилонзор т. ДХМ томонидан 2014 й. 16 сентябрда 007202-03 сонли рақам билан қўрилган "ASPEN TRADE" МЧЖ ўз устав фондига 456 000 000 (ўртг. қоз. эллик олти миллион) сўмдан 53 400 000 (эллик уч миллион) тўрт қоз. миң) сўмга камайтирилгани маълум қилади. Тел.: (90) 912-44-88.

ТОГЛАР
МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!

Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд

- Экскаватор-погрузчик ЗП-Ф (Б) Бульдозер
- Бульдозер-погрузчик БЛ-750
- Занжирли экскаватор-погрузчик ЗП-Ф-Ц
- Асфальторез
- Подъемник БЛ-09
- "Беларусь" (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
- "Беларусь" тракторлари эҳтиёт-қисмлари
- Турли моделдаги шиналар



Махсулотлар сертификатланган.
Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz

QISHLOQ
HAYOTI

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
таркибидаги ҳамда бошқа
дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Жамшид ХУЖАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Бақриддин ЗАРИПОВ,
Шухрат ТЕШАЕВ, Муҳаммадjon ТОШБОЛТАЕВ, Абдурашул АБДУЛЛАЕВ, Ахтам ХАЙТОВ,
Ботир СУЛАЙМОНОВ, Махмуд ТОМIR, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир уринбосари),
Раимкул СУЯРОВ (Бош муҳаррир уринбосари), Сухроб ЗИЁДУЛЛАЕВ (Маъсул котиб).

Телефонлар: Қабулхона - 236-26-50, Котибият - 236-26-47,
Аграр масалалар бўлими - 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими - 236-26-35,
Иجتимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими - 236-26-49,
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими - 233-76-78, Факс - 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.
web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Худудлардаги муҳбирлар:

Қорағалпоғистон Республикаси - (+99890) 592-62-04

Вилоятлар:
Андижон - (+99893) 630-73-03;
Бухоро - (+99891) 401-29-59;
Жиззах - (+99893) 940-10-78;
Навоий - (+99891) 332-50-99;
Наманган - (+99893) 948-53-86;
Фарғона - (+99890) 407-76-03;
Самарқанд - (+99897) 575-50-87;
Сирдарё - (+99894) 168-23-80;
Сурхондарё - (+99890) 520-20-05;
Тошкент - (+99890) 976-39-58;
Хоразм - (+99897) 790-47-61;
Қашқадарё - (+99897) 290-28-88.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан

2009 йил 13 февралда

№ 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Буюртма Г-325, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва
дизайнер Маркс ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

7 747 нускада чоп этилди.

НАШР ИНДЕКСИ - 144

Босишга топшириш вақти: 21.00

Босишга топширилди: 01.00

ISSN 2010-7021



7 720 10 702 007

Навбатчи муҳаррир:

А.ҲАҚБЕРДИЕВ